

**Москва ва Бутун Рус патриархи КИРИЛЛнинг архипастирлар, пастирлар,
диаконлар, роҳиблар ва Рус Православ Черковининг барча содик
фарзандларига
Пасха хабарномаси**

**Муқаддас архипастирлар, ҳурматли пастирлар ва диаконлар, ҳақиқатгўй
роҳиб ва роҳибалар, азиз биродарлар ва опа-сингиллар!**

МАСИҲ ТИРИЛДИ!

Сизларга ушбу фараҳбахш табрик билан юз тутар эканман, барчангизни буюк ва нажоткор Пасха байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Ушбу атоқли ва муқаддас кунда биз шундай рухий қувонч ва Парвардигорга чексиз миннатдорчилик билан тўламизки, биз Яратганнинг инсониятга бўлган муҳаббатининг кучи ва чуқурлигини шунчалик аниқ ҳис қиламизки, Мирра кўтарган аёллар ҳаворийларнинг олдига югуриб, уларга Раббийни кўрганликлари тўғрисидаги ажойиб ҳушхабарни эълон қилишганда айтилган сўзлардан ташқари жўшқин ҳис-туйғуларимизни ифодалаш учун бошқа сўз тополмаймиз.

Нажоткорнинг шогирдлари содир бўлган Тирилишнинг ҳақиқатда содир бўлганига ишонишлари қанчалик қийин бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Ахир, яқиндагина улар ўз кўзлари билан суюкли Устозларини қийноққа солиниб, хочга михланганини кўришган эди. Унинг ўлик ва жонсиз танаси тобутга солиниб, каттиқ тош билан совуқ ғорга муҳрлангани ҳақидаги хотиралар ҳали эскиргани йўқ. Ва, мана, ушбу қайғу имон ва ҳаётнинг ғалабаси билан, қайғу кўз ёшлари қувонч кўз ёшлари билан алмашди.

Тирилган Масиҳ билан ҳақиқий мулоқотнинг ҳаётий тажрибаси ва сўнмас Пасха қувончи гуноҳлар кечирилишини ва қабрдан тирилган Раббимиз Исо орқали эришган нажот ҳақида ваъз ўқиш учун дунёнинг энг чеккаларигача борган ҳаворийларни илҳомлантирди ва уларга куч бағишлади. Мусибат ва шафқатсиз қувғинлардан кўрқмасдан, офатлар ва бахтсизликларга чидаб, ҳаворийлар ўлимни мавҳ этган Масиҳ ҳақида тинимсиз ва жасорат билан гувоҳлик беришди.

Мана икки минг йилдирки, Черков Тирилиш ҳақидаги ушбу хабар билан яшаб келмоқда ва *дунёга келган ҳар бир одамни унга кўшишга интилмоқда* (Юханно 1:9). Пасха байрамида ҳамма нарса ҳақиқатан ҳам бошқача кўринади: қайғу, ғам ва дунёвий ташвишлар туфайли пайдо бўлган кўрқув ва умидсизлик ҳисси йўқолади. Ва ҳатто ҳозирги нотинч даврнинг оғир шароитлари, бизга берилган абадият нуқтаи назаридан, ўзининг даҳшатли тусини йўқотади.

Атрофимиздаги кўп одамлар *муҳаббатда намоён бўладиган* насроний эътиқодининг жонли намунасига муҳтож (Галат. 5:6). Худо биздан биз кўтаролмайдиган жасоратларни талаб қилмайди. У биздан фақат бир-биримизга муҳаббат кўрсатишимизни, шу йўл билан биз ҳам Унга муҳаббат кўрсатишимизни эсда тутишимизни сўрайди. Атрофдагиларга мулойим табассум, эътибор ва сезгирлик, ўз вақтида айтилган тасалли ва қўллаб-қувватлаш сўзлари баъзан Раббимиз учун қилиш имконига эга бўлган энг муҳим ишларга айланиши мумкин.

Ва дунё низолар ва зиддиятлар билан парчаланиб кетаётган, одамларнинг

қалбида нафрат, кўрқув ва адоват ҳукм сураётган бугунги кунда, айниқса, насронийлик динидаги масъулиятимизни унутмаслигимиз, яқинлариингизга ҳақиқий муҳаббатни кўрсатишорқали ёвузлик ва ёлғон туфайли етказилган жароҳатларга малҳам бўлишимиз жуда муҳимдир. Биз православ насронийлари ўртасидаги муборак бирликни бузишга интилаётган инсониятнинг душмани васвасасига берилмаслигимиз керак. Мен ўлим устидан ғолиб бўлган Раббий Исога чин дилдан илтижо қиламан ва сиздан Унга энг қатъий ибодатда собит бўлишингизни сўрайман, шунда барча ғурбатлар арийди, мустаҳкам тинчлик ғалаба қозонади ва ғам яралари илоҳий иноят туфайли шифо топади.

Барчани Пасха байрами билан табриклаб, Тирилган Масихдан барака, сизларга, азизларим, бизнинг имон, умид ва севгимизни мустаҳкамлайдиган сўнмас ёрқин Пасха қувончини тилайман. Худо қалбларимизда ёққан бу нур ҳеч қачон ўчмасин, *доимо дунёда порлаши насиб этсин* (Мат. 5:14). Ва биз Худонинг каломи - Хушхабарни ўқиб, черков маросимларида қатнашиш орқали илоҳий иноятдан баҳраманд бўлиб, Раббийни танишда тобора ўсиб бордик ва Унинг амрларини бажаришда собитроқ бўлдик. Шунда одамлар бизнинг хайрли амалларимизнинг нурини кўриб, Самовий Отамизни улуғлайди (Мат. 5 16) ва биз билан шодлик ила гувоҳлик беришликни насиб айлайди:

МАСИҲ ТИРИЛДИ!

*Масих Пасхаси,
2022 йил*